

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МИРАЛИМОВА ШАХЛО МИРДЖАМОЛОНА**

**ЛАКТОБАЦИЛЛАЛАРНИНГ ПРОБИОТИК ВА  
БАКТЕРИОЦИНОГЕН ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАР АСОСИДА  
ОШҚОЗОН ЯРАСИГА ҚАРШИ ВОСИТА ЯРАТИШ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc)**  
**диссертация автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

|   |    |
|---|----|
| <b>Миралимова Шахло Миржамоловна</b><br>Лактобациллаларнинг пробиотик ва бактериоциноген хусусиятлари,<br>улар асосида ошқозон ярасига қарши восита яратиш..... | 3  |
| <b>Миралимова Шахло Миржамоловна</b><br>Пробиотические и бактериоциногенные свойства лактобацилл,<br>создание на их основе противоязвенного средства.....       | 27 |
| <b>Miralimova Shakhlo Mirdjamolovna</b><br>Probiotic and bacteriocinogenic properties of lactobacilli, creation the<br>antiulcer remedy on their base.....      | 53 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published works.....  | 57 |

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МИРАЛИМОВА ШАХЛО МИРДЖАМОЛОНА**

**ЛАКТОБАЦИЛЛАЛАРНИНГ ПРОБИОТИК ВА  
БАКТЕРИОЦИНОГЕН ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАР АСОСИДА  
ОШҚОЗОН ЯРАСИГА ҚАРШИ ВОСИТА ЯРАТИШ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2017.1.DSc/B10 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.flora-fauna.uz](http://www.flora-fauna.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Турдикулова Шахло Уткуровна**  
биология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямова Тошхон Гафуровна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимлик моддалари кимёси институти**

Диссертация ҳимояси Ботаника институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.27.06.2017.B.39.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил «25» декабр куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7Б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+998 71) 241-71-29; e-mail: [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz)).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2017 йил «12» декабр куни тарқатилди.  
(2017 йил «12» декабр даги 1- рақамли реестр баённомаси).

**К.Ш. Тожибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**Б.А. Адиллов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Қ.Давронов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда антибиотиклардан тиббиёт, ветеринария ва чорвачилик соҳаларида давомли ва айниқса, назоратсиз фойдаланиш инсон ва ҳайвонларда патогенлик қилувчи бактериялар орасида дори воситаларига нисбатан хилма-хил чидамлилиқнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда. Айниқса, кўзгатувчиси *Enterobacteriaceae*, *Staphylococcaceae*, *Pseudomonaceae*, *Listeriaceae* каби оилаларига мансуб патоген бактериялар инфекция касалликларини даволашда антибиотиклар самарадорлигининг пасайиши ва кўп ҳолларда йўқолиши янги турдаги антимикроб таъсирга эга моддаларни ажратиб олиш ва амалий тиббиётга жорий этишнинг долзарблигини кўрсатади. Шу муносабат билан, янги бактериоциноген пробиотик микроорганизмларни қидириб топиш ва улар асосида препаратлар ишлаб чиқариш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш микробиология, фармацевтика ва ветеринария соҳаларининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда самарадор препаратлар асосида инфекция касалликларини даволаш ва олдини олишда антибиотикларга альтернатив манба сифати бактериофаглар ва уларнинг ферментлари, эукариот ва прокариот ҳужайраларининг пептидларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўриндан табиий, одам ва ҳайвонлар учун физиологик фойдали бўлган микроорганизмлардан иборат пробиотиклар алоҳида жой олган бўлиб, пробиотик бактерияларнинг антимикроб потенциалга эга метаболитларини турли инфекция касалликларини олдини олиш ва даволашда кенг қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Қуйи молекулали антимикроб пептидлар – бактериоцинлар бошқа сут ачитувчи бактериялар антимикроб метаболитларидан (сут, сирка кислотаси, водород пероксиди) антимикроб таъсирининг спецификлиги ва патоген микроорганизмларга қарши юқори бактерицид фаолликка эгаллиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, бактериоцинларга ўхшаш моддаларнинг продуцентлари бўлган сут ачитувчи бактерияларини ажратиш, бактериоцин ҳосил бўлиш жараёнларини оптималлаштириш, юқори терапевтик фаолликка эга, ноҳўя таъсирлардан холи бўлган ва сезувчан микроорганизмларда резистентлик чақирмайдиган янги антимикроб воситаларни яратиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақилликка эришгач маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ислохотлар олиб борилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, маҳаллий микроорганизмлар штаммлари асосида пробиотик препаратлар яратиш, улардан ошқозон-ичак йўли касалликлари, хусусан диареяни даволашда қўллаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича ютуқларга эришилди. Шунингдек пробиотик штаммларини антимикроб пептид ҳосил қилишини аниқлашга етарлича эътибор қаратилмаган. Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларида<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони.

«дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этиш ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, мезофил ва термофил лактобациллаларнинг маҳаллий штамmlарини ажратиш, лактобациллаларнинг бактериоциноген хусусиятларини аниқлаш, ошқозон ярасига қарши лактобациллаларнинг бактериоциноген штамми асосида пробиотик препаратини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сон «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Пробиотик штамmlар асосида дори препаратлари яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University College Cork (Ирландия), North Carolina State University (АҚШ), Norwegian University of Life Sciences (Норвегия), Paris University (Франция), Institute for Microbiology, Toxicology and Histology (Германия), Institute of California Los-Angeles (АҚШ), Sao Paulo University (Бразилия), Korea Food Research Institute (Жанубий Корея), National Food Research Institute (Япония), Canadian Irradiation Centre (Канада), Амалий микробиология ва биотехнология давлат илмий маркази (Россия) ва Микробиология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бактериоциноген сут ачитувчи бактериялар (САБ) ва уларнинг бактериоцинларини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: сут ачитувчи бактериялар бактериоцинларининг замонавий таснифи ишлаб чиқилган (North Carolina State University, АҚШ); сут ачитувчи бактериялар культурал суюқлигидан бактериоцинлар тозалаб олинган ва тавсифланган (Norwegian University of Life Sciences, Норвегия); САБ ажратилган антимиқроб пептидларнинг кимёвий тузилиши ва биологик хоссалари аниқланган (Institute for Microbiology, Toxicology and Histology, Германия); бактериоцинлар экспериментал ҳайвонларда *Listeria monocytogenes*,

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

*Campylobacter jejuni* ва бошқа энтеробактериялар каби сезувчан патогенлар ичакни колонизация қилишни камайтириш қобилияти аниқланган. (Canadian Irradiation Centre, Канада); сут ачитувчи бактерияларни озик-овқат саноати, тиббиёт ва ветеринария соҳаларида қўллаш хавфсизлиги асосланган (Амалий микробиология ва биотехнология давлат илмий маркази, Россия).

Дунёда антибиотикларга муқобил бўлган табиий моддалар ажратиш бўйича, қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли ўсимлик ва микроорганизмлардан антимикроб хусусиятга эга пептидлар ажратиш олиш, антимикроб пептидларни ишлаб чиқаришга жавоб берувчи генларни трансформация қилиш йўли билан рекомбинант штаммлар яратиш ва улардан антимикроб моддалар ажратиш олиш, бактериоцинларни антиоксидант хусусиятларини асослаш ва уларни ўсма касалликларини даволашдаги аҳамиятини аниқлаш ва дори препаратлари ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Антимикроб пептид *Lactococcus lactis* томонидан синтезланадиган бактериоцин низинни ҳоссалари ҳорижлик олимлар Delves-Broughton et al. (1996); зайтун, мисо, тузланган қарам, маринадланган бодринг ва ундирилган мош каби ферментацияланган ва ферментацияланмаган сабзавотлар тайёрлашда бактериоциноген САБ лардан ҳимояловчи ва томизғи сифатида фойдаланишни тавсифи Settani ва Corsetti (2008) аниқлашган. САБ ва уларнинг бактериоцинлари қуйидаги олимлар томонидан одам ва ҳайвонлардаги клиник аҳамиятга эга патоген штаммларнинг ўсишига тўсқинлик қилиши аниқланган: шига-токсин ишлаб чиқарувчи *E. coli* (STEC), энтеротоксик *E. coli* (ETEC), метициллинга чидамли *S. aureus* (MRSA), *Agrobacterium* ва *Brenneria* авлодларига мансуб баъзи турлар, ошқозон яраси касаллигини кўзғатувчи *H. pylori* Grinter et.al. (2012), Cotter et.al. (2013); *Enterobacter*, *Escherichia*, *Klebsiella*, *Morganella*, *Salmonella*, *Shigella* ва *Yersinia* Cursino et.al. (2006); *Listeria monocytogenes* Corr et.al. (2007); *Campylobacter jejuni* Stern et.al. (2006).

МДҲ мамлакатларида Л.Г. Стоянова (2008) томонидан хужайра инженерияси (протопластлаш, протопластларни қўшиш) ва индукцияланган мутагенез усулларида фойдаланган ҳолда бактериоциннинг фаол продуцентларини олиш методикаси ишлаб чиқилган; Э.А. Светоч ва бошқ. (2007, 2011) сичқонларга *Bacillus anthracis* М-71 юктириб чақирилган Сибирь яраси касаллигини даволашда бактериоцинлардан фойдаланган ва товуклардаги кампилобактериозни даволашда самарадор эканлиги аниқланган; Н.В. Карпов (2017) томонидан *Saccharomyces cerevisiae* ачитқисининг низин ва педиоцин генини экспрессияловчи трансген штамми олинган.

Ўзбекистонда 1999 йилда сут ачитувчи бактериялар маҳаллий штаммларининг бактериоциноген хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар бошланган. Хусусан, Д.К. Огай, Г.Д. Қутлиева (2001) томонидан *Lactobacillus casei* 925ak нинг культурал суюқлигидан олинган оқсил фракциялари таркибида бактериоцинга ўхшаш моддаларни тутиши

исботланган.

Бироқ бу тадқиқот ишлари лактобациллаларнинг пробиотик ва бактериоциноген хусусиятлари ва улар асосида ошқозон ярасига қарши самарадор восита яратиш бўйича тўлиқ маълумотларни ўзида акс эттирмайди. Шунга кўра, лактобациллаларнинг маҳаллий штаммларини ажратиш, лактобациллаларнинг пробиотик ва бактериоциноген хусусиятларини аниқлаш, лактобацилла штаммларини бактериоцинларни ҳосил қилишини ошишига имкон берувчи озуқа муҳитини оптималлаштириш, ошқозон ярасига қарши лактобациллалар бактериоциноген штамми асосида олинган пробиотик препаратни ишлаб чиқиш назарий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф6-Т219 «*Lactobacillus casei* гурухига мансуб маҳаллий штаммлар ҳосил қиладиган бактериоцинга ўхшаш моддаларнинг одам ошқозони ва 12 бармоқли ичак яраси касаллигини кўзгатувчи *Helicobacter pylori* га таъсирини ўрганиш» (2012-2016), И6-ФА-0-15667 «Ярага қарши таъсирга эга «Лактопрополис» ва «Лактопропионикс» биологик фаол кўшимчаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ташкил этиш» (2014-2015), ФТҚФ-Т.6-16 «Бактериоцин ҳосил қилувчи микроорганизмларни излаш ва улардан озиқ-овқат саноатида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш» (2016-2017) мавзуларидаги фундаментал ва инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги пробиотик препаратлар ишлаб чиқиш учун бактериоцинларни самарали продуценти сифатида лактобациллалар имкониятини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мезофил ва термофил лактобациллаларнинг маҳаллий штаммларини ажратиш, уларни морфологик-культурал, физиологик-биокимёвий ва генетик хоссалари асосида идентификация қилиш;

лактобациллаларнинг пробиотик, антимикроб, бактериоциноген ва бошқа биологик хусусиятларини ўрганиш;

ферментация шароитлари ва тадқиқ этилаётган лактобацилла штаммлари бактериоцинларни ҳосил қилишининг ошишига имкон берувчи озуқа муҳитининг таркибий қисмларини оптимизация қилиш;

ҳайвон моделларида (стерил ва патогенсиз сичқонларда) бактериоциноген лактобациллаларнинг *Helicobacter pylori* эрадикациясидаги самарадорлигини ўрганиш;

ошқозон ярасига қарши лактобациллалар бактериоциноген штамми асосида олинган пробиотик препаратни ишлаб чиқиш ва унинг хавфсизлик мезонларини (ўткир ва сурункали токсиклиги, маҳаллий таъсирловчи таъсири, кумулятив хоссалари, аллергияловчи таъсири йўқлиги ва бошқ.) ўрганиш;

пробиотик препаратнинг терапевтик хоссалари ва специфик фаоллигини



*in vivo* тажрибаларда экспериментал ҳайвонларда ошқозон ярасини этанолли ва маргимушли моделларини индукциялаш орқали ўрганиш;

«ОРОМ-Биопрепарат» МЧЖ билан ҳамкорликда «Лактопрополис» БФҚ ишлаб чиқиш ва уни сериявий ишлаб чиқаришга доир меъёрий-техник ҳужжатларни тасдиқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** турли табиий манбалар – сут маҳсулотлари, ферментацияланган ўсимлик маҳсулотлари ва соғлом чакалоқлар фекалийсидан ажратиб олинган сут ачитувчи бактериялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** лактобациллаларнинг бактериоцинларга ўхшаш моддалари, антимиқроб пептид (бактериоцинлар) продуцентларининг биологик ва пробиотик хоссалари, антимиқроб фаоллиги, ярага қарши восита яратиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда микробиологик, хроматография, спектрофотометрия, молекуляр биология, микробиологик назорат, клиникаолди тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор сут маҳсулотлари ва ферментацияланган ўсимлик субстратларидан ажратилган *L. plantarum*, *L. rhamnosus*, *L. paracasei* каби мезофил лактобациллалар, *L. helveticus*, *L. delbrueckii sp bulgaricus*, *L. amylovorus* каби термофил лактобациллалар маҳаллий штаммларининг бактериоциноген хоссалари исботланган;

лактобациллаларнинг мезофил ва термофил культуралари морфологик-культурал, физиологик-биокимёвий ва генетик хоссалари асосида идентификацияланган;

илк бор сут ачитувчи бактериялар бактериоциноген фаоллигини ошириш учун озука муҳитининг оптимал таркиби ва ўстириш шароитлари аниқланган ва назоратга нисбатан бактериоцинни ҳосил бўлишини 2,6-4,0 марта ортиши асосланган;

бактериоциноген лактобациллалар пробиотик хоссаларига кўра МУК 4.2.2602-10 мезонларга – ўт ва симулирланган ошқозон ширасига, рН нинг кислотали муҳитига чидамлилиқ, юқори антимиқроб фаоллиқка, ичак ҳужайраларига адгезияланиш қобилиятига мос келиши аниқланган;

илк бор стерил ва патогенсиз сичқон моделларида *in vivo* шароитида *L. rhamnosus 925ak* бактериоцин синтезловчи штамми ва *H. pylori* патогенининг ўзаро таъсири очиқ берилган ва *L. rhamnosus 925ak* киритилганда инфекция юқтирилган сичқонлар ошқозонининг хеликобактер билан колонизацияланиши самарали пасайганлиги ва яллиғланиш даражасининг камайиши аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

прополис компонентлари қўшиш орқали лактобациллаларнинг бактериоциноген маҳаллий штамми, пропион кислота бактерияси асосида «Лактопрополис» биологик фаол озукавий қўшимчанинг илмий-асосланган таркиби ишлаб чиқилган;

«ОРОМ-Биопрепарат» МЧЖ билан ҳамкорликда «Лактопрополис» БФҚни олишнинг саноат технологияси ишлаб чиқилган ва уни серияли

ишлаб чиқаришга доир меъёрий-техник ҳужжатлар Ўзстандарт Агентлигида тасдиқланган;

илк бор *L. rhamnosus 925ak*, *Propionibacterium avidum 1* микроорганизмлари ассоциациясидан иборат, ярага қарши ва регенерацияловчи хоссаларга эга «Лактопрополис» препарати ишлаб чиқилган ва клиник самарадорлиги ҳайвон моделларида исботланган қилинган. Препарат ошқозон-ичак йўлининг яллиғланиши ва яра касалликларида БФҚ сифатида қўллашга тавсия қилинган.

пробиотик хоссаларга эга мезофил лактобациллаларнинг ажратиб олинган ва идентификацияланган штаммлари антимикроб пептид манбаи сифатида, шунингдек функционал овқатланиш маҳсулотлари ва пробиотик препаратлар яратиш учун стартер культура сифатида фойдаланишга тавсиялар ишлаб чиқилган;

стандарт МРС асосида модификацияланган озиқа мухити сут ачитувчи бактерияларни бактериоциноген фаоллигини кучайтириш учун ишлатилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик, биокимёвий, физикавий ва молекуляр биология усуллари орқали олинганлиги ва уларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларга Стьюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик ишлов берилганлиги, диссертация натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сут маҳсулотлари ва ўсимлик маҳсулотларидан бактериоцин синтезловчи сут ачитувчи бактериялар ажратиб олинганлиги, идентификация қилинганлиги ва уларнинг антимикроб хусусиятларини аниқланганлиги, сут ачитувчи бактерияларни бактериоциноген фаоллиги бўйича скрининглаш параметрлари оптималлаштирилганлиги, *L. rhamnosus 925ak* штаммининг антимикроб ва яллиғланишга қарши фаоллигини сичқонлар ошқозони *H. pylori* билан колонизация қилган шароитда асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лактобактериялар иштирокида ошқозон-ичак йўлининг яллиғланиши ва яра касалликларида регенерацияловчи хоссага эга замонавий янги биопрепаратлар яратиш, ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Лактобациллаларнинг пробиотик ва бактериоциноген хусусиятлари, улар асосида ошқозон ярасига қарши восита яратиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

таркибида *L. rhamnosus 925ak*, *P. avidum1* микроорганизмларининг 3:1 нисбатдаги ассоциацияси ва 1% прополисининг қуруқ спиртли экстракти тутган «Лактопрополис» биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқаришга техник шарт «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (TSh

15011021-003:2016). Натижада сут ачитувчи бактериялар ва прополисининг мувофиқ комбинацияси ошқозон-ичак яралари касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш ва иммунитетни модуляциялаш имконини берган;

лактобациллалар маҳаллий штаммлари ва прополис экстракти тутган «Лактопрополис» биологик фаол кўшимчасини серияли ишлаб чиқаришга мувофиқлик сертификати олинган (Uz.SMT.01.313.2063756). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида ошқозон-ичак яра касалликларини даволаш хусусиятига эга дори препарати яратилиб, ушбу дори препарати ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босиш имконини беради;

сут ачитувчи бактериялар шартли-патоген бактерияларга нисбатан антимикроб ва бактериоциноген хусусиятларини аниқлаш учун янги озуқа муҳит таркиби ВА-ФА-А10-006-рақамли “Лактобактериялар асосида одам ошқозон-ичак йўлининг яллиғланиш касалликларини кўзгатувчи микроорганизмларга қарши препарат ишлаб чиқиш» амалий лойиҳасида сут ачитувчи бактерияларни антагонизмининг аниқлашда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2017 йил 5 декабрдаги 4/1255-2571-сон маълумотномаси). Натижада янги озуқа муҳити кенг доирадаги патоген ва шартли-патоген микроорганизмларнинг сут ачитувчи бактериялар ва уларнинг бактериоцинларига сезгирлигини баҳолаш имконини берган;

табiiй манбалардан ажратилган сут ачитувчи маҳаллий бактерия *Lactobacillus rhamnosus* 925-2010 ва *Lactobacillus plantarum* 42 штаммлари республикада етакчи бўлган «Саноат учун муҳим микроорганизмларнинг туплами» ноёб объектига киритилган (Фанлар академиясининг 2017 йил 5 декабрдаги 4/1255-2572-сон маълумотномаси). Штаммлар микроорганизмлар коллекциясининг фондини бойитиш, сут ачитувчи бактериялар хилма-хилликлари бўйича электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республикада ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пробиотиклар ва уларни ошқозон-ичак касалликларини даволаш ҳамда олдини олишдаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида бактериялар пробиотик штаммларининг қўлланилишига доир тадқиқотлар ҳозирги ҳолатининг таҳлили келтирилган, улардан ошқозон-ичак касалликларини даволаш ва олдини олиш, шу жумладан *H. pylori* ни эрадикациялашда қўллашнинг истикболлари кўриб чиқилган, шунингдек сут ачитувчи бактерияларнинг бактериоциндари, уларнинг таснифи ва қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларнинг услублари тавсифланган, ишда фойдаланилган микроорганизмлар, асбоблар, ускуналар, таҳлилнинг биологик ва физик-кимёвий услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Бактериоциноген сут ачитувчи бактерияларнинг асосий биологик хусусиятларини аниқлаш ва идентификациялашнинг ўзига хослиги**» деб номланган учинчи боби бактериоцин синтезловчи сут ачитувчи бактерияларни ажратиб олиш, идентификациялаш ва пробиотик хоссаларини ўрганиш, уларнинг антагонистик фаоллик спектрини аниқлашга бағишланган.

Штаммларнинг пробиотик хоссалари NaCl (1-жадвал), ўтнинг турли концентрациялари, рН нинг турли қийматлари (2-жадвал) ва симуляцияланган ошқозон шираси таъсирида тирик қолишига кўра ўрганилган (1-расм). Барча ўрганилган изолятлар мухитдаги NaCl нинг 6.5% га чидамли бўлиб чиқди, бу ерда тирик ҳужайралар микдори  $9 \times 10^7$  КҲБ/млни ташкил этган.

#### 1-жадвал

#### Лактобациллалар ҳаётчанлигига NaCl турли концентрацияларининг таъсири


| №  | Изолят                                  | МРС-мухитидаги тузнинг концентрацияси |                   |                   |                   |                   |
|----|---|---------------------------------------|-------------------|-------------------|-------------------|-------------------|
|    |   | 0%                                    | 0.5%              | 2%                | 4%                | 6.5%              |
| 1  | <i>Lactobacillus plantarum 42</i>       | $1.2 \times 10^9$                     | $1.2 \times 10^9$ | $1.1 \times 10^9$ | $8.3 \times 10^8$ | $3.3 \times 10^8$ |
| 2  | <i>Lactobacillus plantarum 44</i>       | $1.2 \times 10^9$                     | $1.3 \times 10^9$ | $1.2 \times 10^9$ | $1.0 \times 10^9$ | $7.1 \times 10^8$ |
| 3  | <i>Lactobacillus plantarum кан 4</i>    | $1.3 \times 10^9$                     | $1.3 \times 10^9$ | $1.2 \times 10^9$ | $9.4 \times 10^8$ | $9.0 \times 10^7$ |
| 4  | <i>Lactobacillus plantarum кан 10</i>   | $1.2 \times 10^9$                     | $1.2 \times 10^9$ | $1.1 \times 10^9$ | $1.0 \times 10^9$ | $7.5 \times 10^8$ |
| 5  | <i>Lactobacillus paracasei 48</i>       | $1.3 \times 10^9$                     | $1.2 \times 10^9$ | $1.2 \times 10^9$ | $8.1 \times 10^8$ | $2.4 \times 10^8$ |
| 6  | <i>Lactobacillus plantarum K-2</i>      | $1.2 \times 10^9$                     | $1.1 \times 10^9$ | $1.1 \times 10^9$ | $9.6 \times 10^8$ | $7.7 \times 10^8$ |
| 7  | <i>Lactobacillus rhamnosus 925</i>      | $1.2 \times 10^9$                     | $1.2 \times 10^9$ | $1.2 \times 10^9$ | $9.0 \times 10^8$ | $1.5 \times 10^8$ |
| 8  | <i>Lactobacillus helveticus ИС 1-3</i>  | $1.2 \times 10^9$                     | $1.2 \times 10^9$ | $1.1 \times 10^9$ | $9.2 \times 10^8$ | $5.8 \times 10^8$ |
| 9  | <i>Lactobacillus delbrueckii ИС 1-2</i> | $1.2 \times 10^9$                     | $1.2 \times 10^9$ | $1.1 \times 10^9$ | $9.5 \times 10^8$ | $8.6 \times 10^8$ |
| 10 | <i>Lactobacillus amylovorus ИС 2-7</i>  | $1.1 \times 10^9$                     | $1.1 \times 10^9$ | $9.8 \times 10^8$ | $9.3 \times 10^8$ | $8.3 \times 10^8$ |

Изолятлар рН нинг паст қийматларига, шунингдек ўстириш муҳитида ўт мавжудлига сезувчанлигига кўра фаркланди. *L. rhamnosus* 925 кислотали муҳитга энг чидамли деб топилди: рН=6.5 ва 4 да хужайралар ўсиши бир хил бўлди, яъни рН нинг 4 гача пасайиши хужайралар сонига таъсир кўрсатмади ва хужайралар титри  $10^9$  КХБ/млни ташкил этди. рН нинг 3 ва 2 гача пасайганда муҳитдаги хужайралар сони бир тартибга пасайди ва  $5-6 \times 10^8$  КХБ/млни ташкил этди. Муҳитда ўт миқдори 0.2 ва 0.3% бўлиши культуралар ўсишига таъсир кўрсатмади, лекин муҳитда ўт миқдори 0.4% бўлиши хужайралар титрини назоратга нисбатан бир тартибга пасайтирди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### МРС-шўрваси рНнинг турли қийматларида ва турли концентрацияда ўт тутилганда лактобацилла хужайраларининг сони

| № | Изолят                       | хужайралар сони<br>рН да (КХБ/мл) |                   |                 |                 | муҳитда ўт тутилганда<br>хужайралар сони (КХБ/мл) |                   |                   |                 |
|---|------------------------------|-----------------------------------|-------------------|-----------------|-----------------|---|-------------------|-------------------|-----------------|
|   |                              | 2                                 | 3                 | 4               | 6.5             | 0   | 0.2%              | 0.3%              | 0.4%            |
| 1 | <i>L. rhamnosus</i> 925ak    | $5 \times 10^8$                   | $6 \times 10^8$   | $1 \times 10^9$ | $1 \times 10^9$ | $1 \times 10^9$                                   | $1 \times 10^9$   | $1 \times 10^9$   | $9 \times 10^8$ |
| 2 | <i>L. plantarum</i> 42       | $3 \times 10^7$                   | $1.5 \times 10^8$ | $1 \times 10^9$ | $1 \times 10^9$ | $1 \times 10^9$                                   | $6 \times 10^8$   | $6 \times 10^8$   | $6 \times 10^8$ |
| 3 | <i>L. plantarum</i> K-2      | $2 \times 10^7$                   | $4.5 \times 10^8$ | $1 \times 10^9$ | $1 \times 10^9$ | $1 \times 10^9$                                   | $8.5 \times 10^8$ | $9 \times 10^8$   | $9 \times 10^8$ |
| 4 | <i>L. helveticus</i> ИС 1-3  | $2 \times 10^7$                   | $1 \times 10^7$   | $2 \times 10^7$ | $9 \times 10^8$ | $8.5 \times 10^8$                                 | $7.5 \times 10^6$ | $3 \times 10^6$   | $8 \times 10^5$ |
| 5 | <i>L. delbrueckii</i> ИС 1-2 | $4 \times 10^7$                   | $1 \times 10^7$   | $8 \times 10^7$ | $9 \times 10^8$ | $9 \times 10^8$                                   | $3 \times 10^6$   | $4 \times 10^6$   | $6 \times 10^5$ |
| 6 | <i>L. amylovorus</i> ИС 2-7  | $4 \times 10^7$                   | $1 \times 10^7$   | $7 \times 10^7$ | $9 \times 10^8$ | $9 \times 10^8$                                   | $3.5 \times 10^5$ | $7.5 \times 10^4$ | $3 \times 10^3$ |



1-расм. *L. rhamnosus* 925ak, *L. plantarum* K-2 ва *L. plantarum* 42 изолятларининг симуляцияланган ошқозон шираси таъсирида яшовчанлиги

Ўрганилган культуралар орасида *L. plantarum* 42 да симуляцияланган ошқозон ширасига энг юқори чидамлилик кузатилди, дастлабки концентрацияда  $15 \times 10^{10}$  КХБ/мл бўлганда ўт иштирокида ўстирилганда 3 соат давомида яшовчанлигини сақлаб қолди ва тирик хужайралар титри  $8 \times 10^2$  КХБ/млни ташкил этди. *L. rhamnosus* 925ak да бир мунча пастрок яшовчанлик кузатилди ва ўт иштирокида ўстирилганда 2 соатдан ошмаган

вакт давомида яшовчанлик дастлабки  $10 \times 10^{10}$  концентрациядан  $1 \times 10^4$  КХБ/мл гача пасайди. *L. plantarum* K-2 да симуляцияланган ошқозон шираси таъсирига энг паст яшовчанлик кузатилди, СОШ да 2 соат мобайнида дастлабки  $3 \times 10^{10}$  КХБ/мл концентрациядан  $1 \times 10^4$  гача пасайди. 4соатдан кейин СОШ да ҳеч бир изолятнинг тирик хужайраси топилмаган (1-расм).

Култураларнинг антимикроб фаоллигини ўрганишга оид тадқиқотлар кўрсатишича, *L. plantarum* турига мансуб вакиллар энг фаол антагонистлар ҳисобланади – *L. plantarum* 42 *Citrobacter freundii*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Serratia marcescens*, *Proteus morgani*, *Enterococcus faecium*, *Enterococcus faecalis*, *Escherichia coli*, *Staphylococcus aureus* нинг ўсишини диаметри 25 ммдан ошиқ ўсиш мавжуд бўлмаган зона ҳосил қилиб фаол пасайтирган; *L. plantarum* 44 *Ps. aeruginosa*, *Pr.morgani*, *Ent. faecium*, *Ent. faecalis*, *E. coli*, *C. freundii* га қарши кучли антимикроб фаолликка эга бўлиб, ўсиш мавжуд бўлмаган зона диаметри 23 мм дан ортиқни ташкил этган, *L. plantarum* қан 4 *C. freundii*, *Ps. aeruginosa*, *Pr.morgani*, *Ent. faecium*, *Ent. faecalis* га қарши кучли антимикроб фаолликка эга бўлиб, ўсиш мавжуд бўлмаган зона диаметри 23 мм дан ортиқни ташкил этган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Янги ажратилган изолятларнинг антагонистик фаоллиги

| Изолят                                  | Индикатор штаммнинг ўсишини тўхтатиш зонаси диаметри, мм |                                  |                            |                              |                                      |                       |                           |                    |                          |                                 |                      |
|---|--|----------------------------------|----------------------------|------------------------------|--------------------------------------|-----------------------|---------------------------|--------------------|--------------------------|---------------------------------|----------------------|
|   | <i>C. freundii</i> , 002801/27                           | <i>Ps. aeruginosa</i> 003841/114 | <i>Ser. marcescens</i> 367 | <i>Pr.morgani</i> 002810/599 | <i>List. monocytogenes</i> ATCC 1911 | <i>E. faecium</i> 364 | <i>E. coli</i> 002673/477 | <i>C. albicans</i> | <i>E. faecalis</i> OG1FR | <i>S. aureus</i> 003594/wood 46 | <i>H. pylori</i> SSI |
| <i>Lactobacillus plantarum</i> 42       | 35.0±<br>1.31  | 42.3±<br>1.99                    | 30.0±<br>±1.99             | 32.7±<br>1.63                | 18.33±<br>0.85                       | 27.5±<br>0.38         | 40.67±<br>1.51            | -                  | 25.0±<br>1.29            | 35.7±<br>1.63                   | -                    |
| <i>Lactobacillus plantarum</i> 44       | 25.33±<br>1.99   | 33.67<br>±0.75                   | 20.33<br>±0.75             | 30.67±<br>1.5                | 0                                    | 26.7±<br>0.75         | 23.67<br>±0.75            | -                  | 26.8±<br>0.59            | 18.3±<br>0.75                   | -                    |
| <i>Lactobacillus plantarum</i> қан 4    | 33.7±<br>1.5   | 35.7±<br>1.57                    | 20.6<br>±0.23              | 30.0±<br>1.31                | 0                                    | 25.0±<br>0.95         | -                         | -                  | 25.7±<br>0.95            | 15.6±<br>0.38                   | -                    |
| <i>Lactobacillus plantarum</i> қан 10   | 17.3±<br>0.75  | 0                                | 12.75<br>±0.34             | 25.7±<br>0.95                | 0                                    | 0                     | 0                         | -                  | -                        | 0                               | -                    |
| <i>Lactobacillus paracasei</i> 48       | 25.3±<br>1.5   | 25.3±<br>0.75                    | 20.33<br>±0.54             | 25.3±<br>0.95                | 0                                    | -                     | 15.33<br>±0.05            | -                  | 25.5±<br>0.46            | 0                               | -                    |
| <i>Lactobacillus plantarum</i> K-2      | 29.67±<br>1.5  | 35.67<br>±0.99                   | >30                        | 20.3±<br>0.95                | 23.3±<br>0.75                        | -                     | 27.5±<br>0.38             | 15.4±<br>0.31      | 25.75<br>±0.4            | 15.8±<br>0.59                   | -                    |
| <i>Lactobacillus rhamnosus</i> 925ak    | 19.3±<br>0.75  | 15.67<br>±0.75                   | 10±<br>0.35                | 25.33±<br>0.75               | 0                                    | -                     | 11.25<br>±0.33            | 0                  | -                        | 13.0±<br>0.65                   | 22.8<br>±0.48        |
| <i>Lactobacillus helveticus</i> ИС 1-3  | 0  | 15.0±<br>0.75                    | 15.75<br>±0.14             | 0                            | -                                    | -                     | 0                         | 16.43<br>±0.2      | -                        | 0                               | -                    |
| <i>Lactobacillus delbrueckii</i> ИС 1-2 | 0  | 19.0±<br>0.65                    | 0                          | 0                            | -                                    | -                     | 25.5±<br>1.32             | -                  | -                        | 30.7±<br>0.85                   | -                    |
| <i>Lactobacillus amylovorus</i> ИС 2-7  | 0  | 15.5±<br>0.28                    | 18.0±<br>0.75              | 0                            | -                                    | -                     | 17.3±<br>0.74             | -                  | 0                        | -                               | -                    |

Бундан ташқари, *L. plantarum* K-2 *Ps. aeruginosa*, *Ser. marcescens*, *Listeria monocytogenes*, *E. coli*, *C. freundii*, *Ent. faecalis* га қарши юқори фаолликка эга бўлиб, ўсиш мавжуд бўлмаган зона диаметри 23 мм дан

ортиқни ташкил этган, *L. plantarum* кан 10 нинг антимикроб фаоллик спектри торроқ, шунга қарамай у *Pr.morganii* (d=25 мм)нинг ўсишини кучли пасайтирган. антимикроб фаоллигига кўра *L. plantarum* 42 *L. paracasei* 48 дан озгина кучсизроқ, кейинги *Ps. aeruginosa*, *Pr.morganii*, *C. freundii*, *Ent. faecalis* ларнинг ўсишини диаметри 23 мм дан ортиқ ўсиш мавжуд бўлмаган зона ҳосил қилиб кучли антагонизм намоён қилган. *L. rhamnosus* 925ак *Pr. morganii* ва *H. pylori* нинг ўсишини кучли пасайтирган, ўсиш мавжуд бўлмаган зона диаметри 25 ва 22 ммни ташкил этган. *L. delbrueckii* ИС 1-2 *E. coli* ва *S. aureus* нинг фаол антагонисти (d=25.5 ва 30 мм) ҳисобланади (3-жадвал).

Текширилган ўнта штамдан бактериоцин ҳосил бўлишига боглиқ антимикроб фаолликни 7 та штам намоён этган: *L. plantarum* 42 нинг антимикроб оксилли *E. faecalis*, *E. faecium* ва *List. monocytogenes* га фаол; *L. plantarum* 44 – *Pr. morganii* га фаол; *L. plantarum* K-2 – *S. aureus* ва *List. monocytogenes* га фаол; *L. rhamnosus* 925ак ники – *H. pylori* га нисбатан фаол; *L. helveticus* ИС 1-3 ники – *Ps. aeruginosa*, *Ser. marcescens* га нисбатан фаол; *L. delbrueckii* ИС1-2 ники – *Ps. aeruginosa* га қарши фаол; *L. amylovorus* ИС 2-7 ники – *Ps. aeruginosa* ва *Ser. marcescens* га қарши фаоллиги аниқланди (4-жадвал).


#### 4-жадвал

#### Баъзи изолятларнинг антимикроб таъсир спектри

| №  | Изолят                       | Бактериоцинга сезувчан микроорганизмлар                             |
|----|------------------------------|---|
| 1. | <i>L. plantarum</i> 42       | <i>E. faecalis</i> , <i>E. faecium</i> , <i>List. monocytogenes</i> |
| 2. | <i>L. plantarum</i> 44       | <i>P. morganii</i>  |
| 3. | <i>L. plantarum</i> K-2      | <i>P. morganii</i> , <i>St. aureus</i> , <i>List. monocytogenes</i> |
| 4. | <i>L. rhamnosus</i> 925      | <i>H. pylori</i>  |
| 5. | <i>L. helveticus</i> ИС 1-3  | <i>Ps. aeruginosa</i> , <i>Ser. marcescens</i>                      |
| 6. | <i>L. delbrueckii</i> ИС 1-2 | <i>Ps. aeruginosa</i>   |
| 7. | <i>L. amylovorus</i> ИС 2-7  | <i>Ps. aeruginosa</i> , <i>Ser. marcescens</i>                      |

Диссертациянинг «**Бактериоцинлар синтезини ўрганишга оид**» деб номланган тўртинчи бобида лактобактериялар томонидан бактериоцин ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича маълумотлар келтирилган.

МРС-агар муҳити лактобациллалар учун селектив бўлганлиги баъзи культураларнинг иккинчи индикатор қаватда ўсишига имкон бермаслиги туфайли МРС озуқа муҳити таркиби биз томонимиздан модификацияланган ва бактериоцин ҳосил бўлишига ёрдам берадиган ва шу билан бирга тест-культуранинг ўсишига тўсқинлик қилмайдиган таркиб танлаб олинган. Бунинг учун стандарт МРС-агар таркибидан твин-80 ва натрий ацетати чиқариб ташланган. Танлаб олинган муҳитда *L. plantarum* 42 нинг *E. faecalis* га қарши антимикроб фаоллиги бактериоцин ҳосил бўлишига боглиқ эканлиги аниқланган, бу протеазалар таъсирида антимикроб фаолликнинг йўқолиши билан тасдиқланган (2-расм).



**2-расм. *L. plantarum* 42 нинг *E. faecalis* га қарши антимиқроб фаоллиги:**  
1 – пепсиннинг таъсир зонаси; 2 – протеиназа-К нинг таъсир зонаси

*L. plantarum* 42 ва *L. plantarum* K-2 нинг бактериоцинлари максимал даражада тўпланиши учун ўстириш шароитлари танлаб олинган.

Олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатганки, *L. plantarum* 42 да энг кўп бактериоцин продукцияси 48 соатдан сўнг кузатилган, вақт 60 ва 72 соатга чўзилишида бактериоцин ҳосил бўлиши пасайган. Ўстириш ҳароратига келсак, ферментация ҳароратининг 37°C дан 30°C гача пасайтирилиши бактериоцин ҳосил бўлишига сезиларли таъсир кўрсатмаган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### ***E. faecalis* индикатор культураси ўсишига *L. plantarum* 42 штаммининг ферментация муддати ва ҳароратининг таъсири**

| Ҳарорат | Ўстириш муддати, соат |        |               |        |        |
|---------|-----------------------|--------|---------------|--------|--------|
|         | 24                    | 36     | 48            | 60     | 72     |
| 30°C    | 12±0.3                | 15±0.5 | <b>20±0.5</b> | 19±0.3 | 18±0.2 |
| 37°C    | 13±0.3                | 16±0.6 | <b>19±0.3</b> | 19±0.5 | 18±0.5 |

Бактериоцин синтезига турли рН қийматларининг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатганки, 6 га тенг бўлган бошланғич муҳит рН и энг оптимал бўлган, бунда индикатор культуранинг ўсишини тўхтатиш зонаси диаметри 19.6 ни ташкил этган, рН 5.0 ва 7.0 да бактериоцин синтези бирмунча камайган ва индикатор культуранинг ўсишини тўхтатиш зонаси диаметри тегишлича 17.6 ва 17.8 ммни ташкил этган. 5 дан паст рН да бактериоцин ҳосил бўлиши кузатилмаган, рН8 да бактериоцин синтези сезиларли камайган ва тест- культуранинг ўсишини тўхтатиш зонаси диаметри 12.2 ммни ташкил этган (6-жадвал).



## 6-жадвал

***L. plantarum* 42 штаммининг бактериоцин ҳосил қилишига муҳит рН нинг таъсири**

| МРС озуқа муҳити рН | Ўсиш мавжуд бўлмаган зона диаметри, мм |
|---------------------|--|
| 4.0                 | -                                      |
| 5.0                 | 17.6±0.52                              |
| <b>6.0</b>          | <b>19.6±0.31</b>                       |
| 7.0                 | 17.8±0.48                              |
| 8.0                 | 12.2±0.26                              |

Бактериоцин ҳосил бўлишига ҳарорат ва рН дан ташқари озуқа муҳити таркиби катта таъсир кўрсатади [Todorov S. D., Dicks L. M. T., 2005]. Биз томонимиздан *L. plantarum* K-2 ва *L. plantarum* 42 культураларининг бактериоцин ҳосил қилиш фаоллиги биз модификациялаган МРС-муҳитларида ўрганилган (7-жадвал).

*L. plantarum* K-2 культурасининг бактериоцин ҳосил қилиш фаоллиги озуқа муҳити таркибида твин-80 тутилганда твин-80 бўлмаган муҳитга нисбатан 30% га ошган. Азотнинг ягона манбаси сифатида триптон (20 г/л) кўшилиши бактериоциннинг фаоллигини 800 АУ гача оширган, бу фаолликни стандарт МРС-муҳитга нисбатан 2.6 мартага оширган. Ягона углевод манбаи сифатида манноза *L. plantarum* 42 нинг супернатантида концентрламасдан туриб бактериоциннинг ҳосил бўлиши топилишига имкон яратган. Стандарт МРС-шўрвасида глюкозани маннозага алмаштирмай туриб бактериоцин фаоллигини топиш учун супернатантни 4 мартагача концентрлаш зарурлигини ҳисобга олганда, маннозали МРС-шўрваси бактериоцин ҳосил бўлишини 4 мартагача орттирган.

## 7-жадвал

***L. plantarum* K-2 ва *L. plantarum* 42 бактериоцинининг фаоллигига органик азот, углеводлар ва калийнинг таъсири**


| №   | Компонент                                   | Концентрация (г/л) | Фаоллик (АУ/мл)         |                        |
|-----|---|--------------------|-------------------------|------------------------|
|     |   |                    | <i>L. plantarum</i> K-2 | <i>L. plantarum</i> 42 |
| 1.  | Стандарт МРС                                |                    | 300                     | -                      |
| 2.  | Твинсиз МРС                                 |                    | 200                     | -                      |
| 3.  | Триптон                                     | 20.0               | <b>800</b>              | -                      |
| 4.  | Триптон + гўшт экстракти                    | 12.5 + 7.5         | 150                     | -                      |
| 5.  | Триптон + ачитқи экстракти                  | 12.5 + 7.5         | 100                     | -                      |
| 6.  | Триптон + гўшт экстракти + ачитқи экстракти | 10.0 + 5.0 + 5.0   | 400                     | -                      |
| 7.  | Мальтоза                                    | 20.0               | 100                     | -                      |
| 8.  | Манноза                                     | 40.0               | 300                     | <b>100</b>             |
| 9.  | K <sub>2</sub> HPO <sub>4</sub>             | 2.0                | 150                     | -                      |
| 9.  | KH <sub>2</sub> PO <sub>4</sub>             | 2.0                | 150                     | -                      |
| 10. | KH <sub>2</sub> PO <sub>4</sub>             | 40.0               | -                       | -                      |

Бактериоциннинг молекуляр массасини 15% полиакриламид гелида оксилларни ажратиш йўли билан ўрганилган. Оксилларни ажратиш бир вақтнинг ўзида иккита аналогик гельда олиб борилган, улардан бири Кумасси бўйича бўялган, иккинчисига эса *List. monocytogenes* индикатор культураси қавати қуйилган. Қопланган гельда *L. plantarum* K-2 даги 9.5 кДа ва *L. plantarum* 42 даги 15 кДа молекуляр массага мос участкаларда индикатор культуранинг ўсиши йўқ зоналари кузатилган (3-расм).

Диссертациянинг «*L. rhamnosus* 925ak нинг *H. pylori*нинг колонизациясига ва ошқозон шиллиқ қавати яллиғланишига таъсири» деб номланган бешинчи бобда *H. pylori* билан касалланган сичқонларда *L. rhamnosus* ларнинг даволашдаги аҳамияти бўйича маълумотлар келтирилган.

Стерил сичқонларда олиб борилган тажрибаларга 3 гуруҳга бўлинган 36 та сичқон жалб этилган (8-жадвал).

Тажриба бошлаганидан 1 ва 2 ой ўтганидан сўнг *H. pylori* нинг колонизациясини баҳолаш микдорий ПЦР-таҳлилидан фойдаланган ҳолда ва тажриба ҳайвонларининг шиллиқ қаватини гистопатологик баҳолаш давомида олиб борилган.



**3-расм. *L. plantarum* K-2 ва *L. plantarum* 42 бактериоцинларининг Tricine-SDS PAGE:**


а – *L. plantarum* 42 йиғинди оксиллари курук экстракти пептидларининг *L. monocytogenes* ATCC нинг ўсишини тўхтатиш бактерицид зонаси; б – *L. plantarum* K-2 штамми супернатанти пептидларининг *L. monocytogenes* ATCC нинг ўсишини тўхтатиш бактерицид зонаси; в – *L. plantarum* 42 йиғинди оксиллари курук экстрактининг Кумасси бўйича бўялган пептидлари; д – *L. plantarum* K-2 штамми супернатантининг Кумасси бўйича бўялган пептидлари; е – молекуляр масса маркери.

## Стерил сичқонларнинг тажриба гуруҳлари


| Гуруҳ № | Тавсифи   | Сичқонлар сони |
